Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 16 МАРТ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 53 (13.116)

Баҳоси эркин нархда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ҲИСОБОТЛАРИНИ ЭШИТДИЛАР

15 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар ўз конституциявий ваколатларига мувофиқ сиёсий партияларнинг 2015 йилдаги фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботларини эшитди. Ушбу масала бўйича барча сиёсий партиялар раҳбарлари сўзга чиқди.

Мажлис давомида таъкидландики, сўнгги йилларда энг муҳим давлат масалаларини ҳал этишда сиёсий партияларнинг роли ва таъсири, шунингдек, уларнинг парламентдаги фаолияти сезиларли даражада кучайди. Умумқабул қилинган демократик стандартларга ва халқаро нормаларга тўлиқ жавоб берувчи сиёсий партияларни ривожлантиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий базаси яратилди. Бугунги кунда сиёсий партиялар ўз дастурий мақсадларини илгари суриш ва амалга ошириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш учун барча имкониятга эгадир.

"Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги қонунга мувофиқ ҳар бир партия Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринларининг сонига қараб ўз устав фаолиятини молиялаштириш учун давлат маблағларининг муайян ҳажмларини олиш ҳуқуқига эга.

Сиёсий партияларни молиялаштириш қонунийлик, очиқлик, ошкоралик ва сиёсий партияларнинг тенг ҳуқуқлилиги принципларига асосида қонунга қатъий риоя этилган ҳолда амалга ошириб борилди. Барча сиёсий партиялар ўз фаолиятини молиялаштириш ҳажми ва манбалари тўғрисидаги ахборотни белгиланган тартибда эълон қилди ва ўз аъзолари ҳамда жамоатчиликнинг уларни молиялаштириш тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланишини таъминлаб берди.

Мажлисда Ўзбекистондаги сиёсий партиялар молиявий ҳисоботни қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва муддатларда тақдим этганликлари қайд этилди.

Мазкур масаланинг муҳокамаси чоғида сўзга чиққан депутатлар давлатимиз раҳбари 2015 йил 23 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида парламент олдида турган энг муҳим масалаларни белгилаган ҳолда Қонунчилик палатаси фаолиятида сиёсий партиялар фракцияларининг роли ва аҳамиятини бор имкониятлардан фойдаланиб оширишни, умуман олганда, кўппартиявийлик тизимини янада изчил ривожлантиришни қайд этганини таъкидлаб ўтдилар. Шундан келиб чиққан ҳолда, Қонунчилик палатаси Регламентига палатанинг қонунчилик, назорат-таҳлил фаолиятида сиёсий партиялар фракцияларининг фаол иштирокини таъминлаш механизмлари самарадорлигини ошириш, шу билан бирга, партиялар фикрларини ҳисобга олувчи муқобил қонун лойиҳаларини сиёсий партиялар фракциялари аъзолари томонидан киритишнинг процессуал механизмларини янада такомиллаштириш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ривожланишининг муҳим ҳаётий масалаларини белгиловчи у ёки бу қонунлар бўйича ўз нуқтаи назарларини кенг жамоатчиликка етказилишини таъминловчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

(Давоми 2-бетда)

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси томонидан "Озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари" мавзуида семинар ўтказилди.

Унда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида аҳолининг тўғри овқатланиши борасидаги фаолиятни мустаҳкамлашга йўналтирилган қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш юзасидан вазифалар белгилаб берилганлиги хусусида сўз юритилди.

Ўзбекистонда шаклланган сабзавотчилик ва боғдорчилик маданияти азалдан маҳаллий ўғитлардан фойдаланишни кўзда тутадиган биологик деҳқончилик принципларига асосланган. Бу гени модификация қилинмаган, экологик тоза мева ва сабзавотлар етиштириш имконини бермоқда.

Амалга оширилаётган ислоҳотлар қишлоқ хўжалигини тубдан диверсификация қилиш ва аҳолини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш, шунингдек, етиштирилаётган мева-сабзавотларнинг халқаро бозордаги юксак рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилаётир. Мазкур соҳа Ўзбекистон Республикасининг "Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида", "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида", "Ветеринария тўғрисида", "Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида", "Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида", "Давлат санитария назорати тўғрисида"ги ва бошқа қонунлар билан тартибга солинмоқда.

– Бозорларимиз йил давомида турли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига сероб бўлади, – дейди Соғлиқни сақлаш вазирлигининг овқатланиш гигиенаси бошқармаси бош мутахассиси, профессор Анатолий Худойберганов. – Улар бебаҳо истеъмол хусусиятлари, яъни таркибида табиий шакар, амино ва органик кислоталар, саломатлик учун муҳим бўлган микроэлементлар ва озиқ-овқат рационида ўрнини алмаштириб бўлмайдиган турли биологик моддаларга бойлиги билан қимматлидир.

Тадбирда биологик фаол қўшимчалар, гени ўзгартирилган озиқ-овқат маҳсулотларини юртимизга олиб киришни тартибга солиш муҳимлиги қайд этилди. Хавфсиз ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотларининг соғлом авлод тарбиясидаги аҳамияти, микронутриентлар билан бойитилган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш, овқатланиш маданиятини тушунтириш масалалари ҳақида сўз юритилди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ





Бугунги кунда иқтисодиётимизни юксалтириш ва аҳоли бандлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу боис мазкур соҳани ривожлантириш ҳамда бу йўналишда меҳнат қилаётган ишбилармонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда кенг кўламли ишлар қилинаётир.

"Ташаббус – 2016"

ЭНГ МУНОСИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, улар асосида тадбиркорларнинг маҳсулот экспорт қилиши, замонавий технологияларни келтириши, солиқ, божхона, коммунал ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашда бир қатор имтиёз ва енгилликлар берилмоқда. Натижада корхоналаримиз томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар сифат борасида чет элникидан сира ҳам қолишмаяпти. Бу "Ташаббус – 2016" кўрик-танловида иштирок этаётган тадбиркорларнинг маҳсулотларида ўз аксини топган.

Танловнинг Яккасарой ва Мирзо Улуғбек туманларида бўлиб ўтган дастлабки босқичларида тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган, бири биридан қолишмайдиган маҳсулотлар намойиш этилди. Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимиз иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ошиб бораётганлиги, ёшларнинг тадбиркорликка қизиқиши ортаётгани ва бу давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланаётганини таъкидлаб ўтдилар. Дарҳақиқат, йилдан йилга тадбиркорларимизнинг рақобатбардош ва жаҳон стандартларига жавоб бера оладиган маҳсулотлари кўпайиб бораётганини алоҳида эътироф этиш лозим.

Бундан ташқари тадбиркорларнинг касб маҳоратини ошириш, билим ва савиясини ривожлантиришда чет эллик мутахассислар билан фикр алмашишаётгани ва маркетинг ишлари кенг йўлга қўйилаётгани шулар жумласидандир.

Тадбирларда "Йилнинг энг яхши тадбиркори" ва "Йилнинг энг яхши ҳунарманди" номинацияларида ғолиблар аниқланиб, улар танловнинг шаҳар босқичига йўлланма олишди.

Мирзо Улуғбек туманидан "Йилнинг энг яхши тадбиркори" номинациясида "Real plus mebel" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Темур Галиев ғолиб деб топилган бўлса, "Йилнинг энг яхши ҳунарманди" деб Гулшан Эшмурадова тан олинди.

– Кейинги йилларда давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан миллий ҳунармандчилигимизга катта эътибор қаратилмоқда, – дейди Гулшан Эшмурадова. – Мана бу каби тадбирлар ҳунармандларнинг ўз истеъдодини намойиш этиш билан бирга ҳунармандчилигимиз ривожига ҳисса қўшишида муҳим омил бўлаётир.

Яккасарой туманида миллий таомимиз бўлган ошни консерваланган тарзда ишлаб чиқаришни йўлга қўйган "Inter Plast Tashkent" масъулияти чекланган жамияти "Йилнинг энг яхши тадбиркори" йўналишида ғолибликни қўлга киритди.

– Ўтган йилнинг февраль ойидан бошлаб "Консерваланган Тошкент палови"ни ишлаб чиқармоқдамиз, – дейди корхона менежери Беҳзод Усмонов. – Маҳсулотларимиз пойтахтимиз супермаркетларида сотувга қўйилган ҳамда Россия ва Қозоғистон республикаларига экспорт қилинмоқда. Бугунги кунда 15 нафар ишчи ходимларимиз бор. Келажакда фаолиятимизни кенгайтириб, миллий таомимизни дунёнинг бошқа давлатларига ҳам олиб чиқиш ниятидамиз.

"Йилнинг энг яхши ҳунарманди" номига ҳайкалтарошлик йўналишида ижод қилаётган Камолиддин Абдуллаев сазовор бўлди.

Ғолиб ва совриндорларга танлов ташкилотчиларининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Абдуалим САЛИМОВ
Ислом Исмоилов
олган суратлар

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессияси

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИ САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИК БОШЛАНДИ

Куни кеча халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги ўн учинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши раиси, шаҳар ҳокими Р.Усмонов олиб борди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2016 йил 5 мартдаги "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори асосида жорий йилнинг май-июнь ойларида шаҳардаги 505 та маҳаллада фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказилишини таъминлаш масаласи кўриб чиқилди.

Маълумки, Сенатнинг мазкур қарорига кўра, 2016 йил май-июнь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказилишини таъминлаш халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига юкланган.

Сессияда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бўлажак сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда фуқароларнинг сайлов жараёнида фаол иштирок этиши борасидаги конституциявий ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини қонун ҳужжатларига тўла мувофиқ ҳолда демократик тамойиллар асосида юқори савияда ташкил этиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Жумладан, сайловнинг барча иштирокчилари томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига сўзсиз ва оғишмай риоя этилишини таъминлаш, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида қатнашадиган ташкилий тузилмаларнинг қонун нормаларига риоя этган ҳолда мақсадли ишларни амалга ошириши лозимлиги белгиланди.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қоидаларини сайловчиларга атрофлича тушунтириш бўйича самарали ахборот-таҳлил ишини ташкил этиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, фуқароларнинг номзодлар билан яқиндан танишиш имкониятларини таъминлаш ҳамда сайлов жараёнига ёшлар ва хотин-қизларни фаол жалб этиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ҳамда ҳуқуқий маданиятини ошириш учун барча зарур шароитларни яратиш кераклиги қайд этиб ўтилди.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Термизда Ўзбекистон Республикаси Президенти совғаси учун анъанавий "Ташаббус – 2016" кўрик-танловининг Сурхондарё вилояти босқичи бўлиб ўтди.

● Навоий вилояти Хатирчи тумани ички ишлар бўлими паспорт бўлинмасининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

● Урганчда "Таълим ва мутахассислик" кўргазмаси ҳамда бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди. Кўргазмада 100 га яқин корхона ва ташкилотдаги бўш иш ўринлари ҳақида атрофлича маълумот берилди. Шаҳар ва туманлардаги бўш иш ўринларининг электрон рўйхати, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари фаолияти, вилоятдаги олий ўқув юртлари, улардаги таълим йўналишлари, корхона ва ташкилотларда ишчи-мутахассисларга қўйиладиган талаблар, иш ҳақи, меҳнат шароити билан таништирилди.

● Қарши банк коллежида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал Демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси, Марказий банк ҳамда тижорат банклари ҳамкорлигида "Диплом билан бизнесга" лойиҳаси доирасида касб-ҳунар коллежи ва академик лицейлар битирувчилари учун ташкил этилган махсус ўқув-семинарда банк-молия муассасалари, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси, вилоят давлат солиқ бошқармаси вакиллари, партия аъзолари, касб-ҳунар коллежи ва академик лицейлар ўқувчилари иштирок этди.

● Андижонда "Миллий қадриятларимиз кўзгуси" шиори остида миллий ва замонавий либослар форуми бўлиб ўтди. Андижон вилояти ҳокимлиги ва вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ҳунармандлар, модельер-дизайнерлар, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ҳамда олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ёш ҳунармандларнинг миллий ва замонавий услубдаги либослари, шунингдек, чевар, зардўз ва дўппидўзлар тайёрлаган маҳсулотлар намойиш этилди.

ЖАҲОНДА

● Буюк Британия парламентида махсус хизматларга бағишланган қонун лойиҳаси юзасидан дебатлар бўлиб ўтди.

● Чили қирғоқларида 5,2 магнитудали зилзила содир бўлди. Унинг маркази Ильяпель шаҳридан шимоли-ғарбга томон 65 километр узоқликда бўлган.

● Кеча Покистонда ҳукумат хизматчилари кетаётган автобусда портлаш юз бериши натижасида камида 15 киши ҳалок бўлди. Дастлабки гумонга кўра, бу террорчилик ҳаракати бўлиб, бомба автобуснинг орқа қисмига яшириб қўйилган.

● Бирлашган Араб Амирликларида жаҳонда биринчи бор дронлар ўртасида пойга бўлиб ўтди.

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИ САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИК БОШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шунингдек, сайловда қатнашувчи фуқароларга "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ва бошқа қонунларнинг асосий қоидаларини тушунтириш, сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, етакчи олимлар, экспертлар ва амалиётчи ходимларнинг республика матбуотида ҳамда маҳаллий матбуотда, радио ва телевидениеда чиқишларини ташкил этиш устувор аҳамиятга эга эканлиги кўрсатиб ўтилди.

Маълумки, жорий йилнинг май-июнь ойларида шаҳардаги жами 505 та маҳалла фуқаролар йиғинларида сайловлар бўлиб ўтади. Барча сайловлар амалдаги Қонунга биноан муқобиллик асосида ўтказилади. Яъни, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови мазкур лавозимларга икки ва ундан кўп номзод кўрсатган ҳолда амалга оширилади.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун фуқаролар йиғини бир ой ичида фуқаролар йиғини кенгашини шакллантиради ва фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларни сайлайди.

"Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасига биноан сайловларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш учун шаҳар ва туманларда кўмаклашувчи комиссиялар тузилиши, бу комиссиялар шаҳар Кенгаши қарори билан тасдиқланиши қайд этилган. Сессияда Қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда шаҳар ва туманлар кесимида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялари таркиби, чора-тадбирлар режаси, шаҳар кўмаклашувчи комиссия аъзоларини туманларга бириктириш рўйхати тасдиқланди.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун шаҳар ҳамда туман комиссиялари зиммасига туман ҳокимликлари билан ҳамкорликда шу йилнинг 1 апрелига қадар барча маҳаллаларда фуқаролар йиғинларининг йиғилишларини ўтказиш, ушбу йиғилишларда маҳалла раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳларини тузиш лозимлиги қайд этиб ўтилди.

Ишчи гуруҳларининг масъулиятли вазифаларидан бири бу маҳалла ҳудудида яшовчи аҳолининг фикрини инобатга олган ҳолда фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар кўрсатиш ҳисобланади. Бунда раис ва маслаҳатчилар лавозимига камида 3 нафар номзодлар кўрсатилиши лозим. Фуқаролар йиғини раислигига танланган номзодлар рўйхатини тегишли туман комиссиясига сайловдан камида 10 кун олдин топширилиши керак.

Сессияда Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлиши, қоида тариқасида, олий маълумотга эга бўлиши, бевосита сайловга қадар камида беш йил тегишли ҳудудда доимий яшаётган бўлиши, ташкилотчилик қобилиятига, давлат органларида ёки нодавлат нотижорат ташкилотларда ёхуд тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти соҳасида иш тажрибасига, шунингдек, фидойи, қаноатли, ҳаётий тажрибасига ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши кераклиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Сессияда кўрилган барча масалалар бўйича халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.



Отабек Мирсоатов олган сурат

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

МАРД ЎҒЛОНЛАР ҚАСАМЁДИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Тошкент олий ҳарбий-техник билим юртида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарларнинг қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

Президентимизнинг 2015 йил 23 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ ташкил этилган тадбирда Ички ишлар вазирлиги ва жамоат ташкилотлари вакиллари, аскарларнинг ота-оналари, яқинлари иштирок этди.

Тошкент олий ҳарбий-техник билим юрти бошлиғи Х.Маматов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида Қуролли Кучларимиз тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар юксак самаралар бераётгани, ёшларнинг муддатли ҳарбий хизматни муносиб ўташи учун барча шароит яратилганини таъкидлади.

Аскарлар халқи, Президенти ва Ватанига садоқат билан хизмат қилишга тантанали қасамёд қилди.

– Ҳарбий либос кийганимда Ватанимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш учун зиммамга катта масъулият юкланганини англаб етдим, – дейди ЎзА мухбирига оддий аскар Шаҳзод Набиев. – Қасамёд қабул қилганимиз масъулият ҳиссини янада кучайтирди. Бурчимни муносиб адо этиш, билдирилган юксак ишончни оқлашга ҳаракат қиламан.

– Фарзандининг қасамёд қабул қилиши ота-она ҳаётидаги унутилмас воқеадир, – дейди қўқонлик Нафиса Мирзақулова. – Бугун ўғилларимиз Ватан ҳимоячилари сифатида мустақил ҳаётга қадам қўйди.

Тадбир якунида намойиш этилган концерт дастури йиғилганларга байрамона кайфият улашди.

М.ҚАРШИБОЕВ

ДЕПУТАТЛАР СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ҲИСОБОТЛАРИНИ ЭШИТДИЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Депутатлар сиёсий партияларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни кучайиб бораётганлиги муносабати билан сиёсий партияларнинг молиявий интизомини мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга эканлигини қайд этди.

Депутатларнинг фикрига кўра, сиёсий партияларнинг моддий-молиявий, ташкилий кадрлар ва бошқа ресурслари ўз дастурий мақсад ҳамда вазифаларини амалга оширишда катта аҳамият касб этади. Шу сабабли уларнинг шаффоф ва очиқлиги, доимо жамоатчилик назорати остида бўлиши жуда муҳимдир. Йиғилишда таъкидландики, кўппартиявийлик тизимини ривожлантириш, парламент ва жамиятда сиёсий партиялар ўртасидаги рақобатни кучайтириш шароитларида ушбу масала депутатларнинг доимий эътиборини талаб этади.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вакиллари қайд этдики, амалдаги қонун ҳужжатлари, биринчи навбатда, сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисидаги тегишли қонун ҳужжатлари доирасида замонавий талабларга тўлиқ жавоб беради ва илғор хорижий тажрибани ҳисобга олади. Сиёсий партиялар ўз дастурий мақсадларини илгари суриш ва амалга ошириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш учун, шу жумладан, яратилган тенг молиявий шарт-шароитлар ҳисобига барча имкониятга эга. Ҳисоб палатаси ҳисоботининг таҳлилидан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиш мумкинки, сиёсий партиялар, шу жумладан, ЎзЛиДеП ҳам молиявий фаолиятини қонунийлик, очиқлик, ошкоралик ва тенг ҳуқуқлилик принциплари асосида амалга оширмоқда, фаолиятини молиялаштиришнинг ҳажми ва манбалари тўғрисидаги ахборотни ўз вақтида эълон қилган ҳолда, ўз аъзолари ва жамоатчиликнинг молиялаштириш тўғрисидаги тегишли маълумотлардан фойдаланилишини таъминлайди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзоларининг фикрига кўра, партия ташкилотлари фаолиятининг самарадорлиги уларнинг иқтисодий-хўжалик ҳаётини изчил ташкил этиш билан бевосита боғлиқдир. Бундай шароитларда сиёсий партиялар тасарруфидаги давлат бюджети маблағларини самарали режалаштириш ва ишлатиш муҳим аҳамиятга эга. Бунга турли даражадаги депутатларнинг сайловолди дастури тадбирлари ва ҳар йили қабул қилинадиган Партия фаолиятининг асосий йўналишлари режасини амалга оширишдаги фаол иштироки, шунингдек, давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлардан самарали ва оқилона фойдаланиш жараёнлари устидан жамоатчилик ҳамда парламент назоратининг чора-тадбирларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш орқали эришиш мумкин.

Фракция депутатлари сиёсий партиялар бюджетларининг даромад манбалари ва харажатлар қисми кўрсаткичлари тўғрисидаги ахборотнинг юқори даражада очиқлигини ҳамда, фуқароларнинг сиёсий партияларнинг бухгалтерлик ва статистика ҳисоботидан, шу жумладан, ҳисоботни расмий сайтларда электрон шаклда эълон қилиш орқали кенг кўламда фойдаланилишини таъминлашни ёқлаб фикр билдирди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари қайд этдики, сиёсий партиялар даромадларининг тўлиқ шаклланишини, шунингдек, уларнинг фаолиятини молиялаштиришга қаратиладиган давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлардан мақсадли фойдаланилишини таъминлашда сиёсий партияларнинг ички назорат механизмларини янада такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Фракция аъзолари таъкидлаганларидек, бугунги кунда Ўзбекистоннинг барча сиёсий партияларида назорат-тафтиш комиссиялари фаолият юритмоқда, комиссиялар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлари, шу жумладан, функциялари, вазифалари, шунингдек, ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгиланган.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси вакиллари таъкидладики, жамоатчилик назоратининг самарали механизмлари сиёсий партиялар молиявий фаолиятининг ошкоралигини таъминлаш имконини беради. Хусусан, босма оммавий ахборот воситаларида ўтган даврдаги фаолиятни молиялаштиришнинг асосий манбалари тўғрисидаги таҳлилий материаллар эълон қилинмоқда. Шунингдек, партиялар сиёсий кенгашларининг пленумларида партияларнинг ўтган йилдаги молиявий фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлари эшитилади. Эшитишлар давомида партиялар аъзолари, маҳаллий партия ташкилотларининг раҳбарлари ва масъул ходимлари, депутатлар, экспертлар, ОАВ вакиллари фаол иштирок этиб, улар томонидан партия бюджетидан самарали ҳамда оқилона фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар киритилади.

Муҳокама давомида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, депутатлар сиёсий партияларнинг 2015 йилдаги фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботларини маълумот учун қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати

Қонун ва ижро

ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИ ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

Пойтахтимизда мамлакатимиз фармацевтика саноатини ривожлантириш истиқболларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ва "Ўзфармсаноат" давлат акциядорлик концерни ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда депутатлар, тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фармацевтика соҳаси ишлаб чиқарувчилари, журналистлар иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари М.Хўжаева ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида фармацевтика саноатини ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор халқимизнинг саломатлигини муҳофаза қилишда юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидлади.

2016 йил 5 январда кучга кирган янги таҳрирдаги "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги қонун соҳадаги ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим дастуруламал бўлаётир.

Фан ва технологиялар тараққий этган бугунги даврда фармацевтика саноати кун сайин ривожланмоқда, дори воситалари муомаласи, улардан тиббиётда фойдаланиш жараёнларида кўплаб янгиликлар юзага келаётир. Ана шу йўналишдаги илғор тажрибалар асосида қабул қилинган янги таҳрирдаги қонунда бир қатор янги меъёрлар ўз ифодасини топган.

Қонунга фармакологик ёки дори воситаларини ишлаб чиқариш, ушбу воситаларни клиник тадқиқотлардан ўтказиш бўйича алоҳида моддалар киритилган. Дори воситалари ва тиббий буюмларни сақлаш, ташиш ва йўқ қилиш, ушбу маҳсулотларни юртимизга олиб кириш ва олиб чиқиш тартиби билан боғлиқ янгиликлар жорий этилган. Давра суҳбатида депутатлар ва мутахассислар ишлаб чиқарувчиларга қонунчилигимизга киритилган ана шундай янгиликлар хусусида сўзлаб берди. Тадбир қатнашчиларини қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Б.ХИДИРОВА

Статистик маълумотларга таяниб айтганда, 2016 йил 1 январь ҳолатига кўра пойтахтимизда 53 минг 319 та тадбиркорлик субъектлари рўйхатдан ўтган. Бу рақам кундан кунга кўпайиб бормоқда.

Чунки, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка, уни ишончли ҳимоя қилиш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Бу борада айниқса, Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда 20 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун тарихий воқеа бўлди. Бу билан амалдаги 40 дан ортиқ қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Бош прокуратура ҳузуридаги Департамент ходимлари олдига солиқ ва валютага оид жиноятларни фош этиш билан бир қаторда аҳоли ва тадбиркорлар ўртасида тарғибот фаолиятини олиб бориш вазифаси юклатилган.

Шу мақсадда бошқармамиз томонидан жойларда хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари билан учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиш юзасидан Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси билан ҳамкорликда қўшма режа ишлаб чиқилиб, шу аснода қатор учрашув, давра суҳбати ва очиқ мулоқотлар ўтказилмоқда.

Яқинда ана шундай очиқ мулоқот пойтахтимиздаги экспорт-импорт билан шуғулланувчи тадбиркорлар ўртасида ташкил этилди. Бундан кўзланган мақсад тадбиркорларга юқорида зикр этилган Президент Фармони ва Қонуннинг мазмун-моҳиятини тушунтириш ҳамда уларнинг иш фаолиятида учраётган муаммоларни ўрганиш эди. Тадбирга биз солиқ, статистика, божхона, адлия, банк, архитектура, электр, газ, стандартлаштириш ва бошқа ташкилотлар вакилларини таклиф этдик. Қани, ишбилармонлар бу хизмат кўрсатувчи идоралар фаолиятидан қониқаяптими, мамнунми? Очиқ мулоқотда шу масалаларга эътибор қаратилди.

Бундан ташқари учрашувга келган мутасадди идора вакиллари ўз фаолиятларидан келиб чиққан ҳолда маълумот беришди. Яъни, солиқ соҳасида берилган имтиёз ва перефенциялар, статистик ҳисоботларни топширишда қўлланилаётган имтиёзлар ва ҳоказо... Бундан ташқари тадбирга психологлар ассоциациясидан таклиф этилган мутахассис тадбиркорлик субъектлари ривожланишининг психологик аҳамияти ва долзарблиги масалаларига эътиборни қаратди. Мисол учун тадбиркор бўлиш учун қандай хислатларга эга бўлиш лозим, бизнес режа тузиш, маблағни мақсадли сарфлаш ва бошқа масалалар иштирокчиларда, айниқса тадбиркорлик субъектлари вакилларида катта қизиқиш уйғотди. Тўғрида, тадбиркорлик ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди, бунинг учун етарли иқтидор, ташкилотчилик, ишбилармонлик қобилияти бўлиши даркор, интилиш ва ҳаракат, қийинчиликдан чўчимасдан фақат олға интилиш тақозо этилади.

Айрим тадбиркорлар қонунни билишмайди, ноқонуний иш юритилади, оқибатда жиноят содир этилади. Бу каби ҳолатлар Департаментнинг ҳудудий бўлимлари томонидан фош этилаяпти, ноқонуний ишнинг оқибати фақат ташвиш келтириши мумкинлиги тушунтирилмоқда.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, тадбиркорлар ўз ҳуқуқлари ва янги қабул қилинаётган қонунларни албатта билишлари лозим. Мисол учун яқинда Божхона кодексининг янги таҳрири қабул қилинди, у шу йилнинг 21 апрелидан кучга киради. Бу ҳам экспорт-импорт билан шуғулланувчи тадбиркорлар учун жуда ҳам муҳим қонун. Улар кодексдаги ўзгаришларни билиши шарт, бу кодекс 12 та бўлим, 59 боб, 412 моддадан ташкил топган бўлиб, унда энг аввало божхона фаолиятига доир 31 та тушунчалар аниқ ва тушунарли тарзда ифодалаб берилган. Очиқ мулоқотда тушган саволларнинг кўпчилиги божхона билан боғлиқ муаммоларга бориб тақалди.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, бу каби очиқ мулоқотлар тадбиркорларимиз учун фақат фойда. Биз бундай учрашувларни мунтазам ўтказиб боришга келишиб олдик.

Баҳодир АБДИКАРИМОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚҚ департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

ТАДБИРКОР ФИКРИ МУҲИМ

СУҒУРТА ҚОПЛАМАСИ ЗАРАР ЎРНИНИ ТЎЛДИРАДИ

Миллий матбуот марказида "Ўзагросуғурта" акциядорлик жамияти томонидан матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда мамлакатимизда сифатли суғурта хизматлари кўрсатилаётгани натижасида жисмоний ва юридик шахсларнинг суғурта ташкилотларига ишончи ортаётгани таъкидланди. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги, "Юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонунлар суғурта қилдирувчиларнинг ҳуқуқларини таъминлашда асос бўлмоқда.

Суғурта ташкилотлари кутилмаган ҳодисалар оқибатида фуқароларнинг соғлиғи, ҳаёти ва мол-мулкига етказилган зарарларни қоплаб бермоқда. "Ўзагросуғурта" акциядорлик жамияти 2015 йилда 24 миллиард сўмдан ортиқ суғурта қопламасини тўлаб берган. Иш берувчиларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш бўйича уч юздан ортиқ ходим учун суғурта товони тўланган.

Анжуманда суғурта ҳодисаси ҳисобланадиган ҳолатлар ва уларни суғурталаш йўллари ҳақида батафсил маълумот берилди.

(ЎзА)

ЎЗБЕКИСТОН — ЭЗГУ ОРЗУЛАРИ МУШТАРАК ДИЁР

Жаҳон ҳамжамияти нишонлайдиган саналар орасида 2012 йилда Халқаро бахт куни пайдо бўлди. Бу байрам Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 2012 йил 28 июнда "Бахт умуминсоний мақсадлар ва бутун дунёдаги одамларнинг интилиши долзарблигини ҳамда бунинг давлат сиёсати вазифаларида ўз ифодасини топишининг муҳим аҳамиятини, шунингдек, барқарор ривожланиш, қашшоқликка барҳам бериш ва барча халқлар бахт-саодатини таъминлашга ёрдам берадиган иқтисодий ўсишга янада кенг қамровли, адолатли ва мутаносиб ёндашиш заруратини тан этган ҳолда" таъсис этилди.

Халқаро бахт кунини нишонлаш таклифи БМТ Бош Ассамблеясига Бутан Қироллиги томонидан киритилган ва жаҳоннинг 193 давлати томонидан қўллаб-қувватланган.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, Бутан Қироллиги XX асрнинг 70-йилларига қадар аслида нисбатан қашшоқ, жаҳон ҳамжамияти билан деярли алоқа қилмайдиган кичик мамлакат ҳисобланиб келинган. Бутаннинг тўртинчи Қироли Жигма Сингье 1972 йилда "Ялпи миллий бахт-саодат" тушунчасини муомалага киритди. У "Халқнинг бахт-саодати бутун дунёда иқтисодий қудрат ва аҳоли фаровонлигининг асосий мезони ҳисоблаб келинган ялпи ички маҳсулот фоизларидан муҳимроқдир" деб таъкидлаган.

Қиролликда "Ялпи миллий бахт-саодат"ни иқтисодиётни ривожлантиришни беш йиллик режалаш асосида амалга оширишга қарор қилинган. Ушбу режага кўра иқтисодиётнинг миллий маданиятга мутаносиб, анъанавий қадриятларга мос равишда ривожланиши зарур бўлган.

Бутаннинг "Ялпи миллий бахт-саодат" дастурида таълимни ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Қиролликда аҳолининг асосан кичик қишлоқларда ёки бир-бирларидан олис бўлган ёлғиз уйларда яшаши ҳисобга олиниб, бутун мамлакат бўйлаб ташкил этилган интернатлар асосида кўп босқичли таълим тизими жорий қилинган. Ўқув дастурларида инглиз тили мажбурий фан сифатида белгиланган, интернатларга хорижий мамлакатларнинг кўнгилли ўқитувчилари таклиф қилинган. Қиролликдаги мактаблар ва коллежлар битирувчилари орасидан чет эллардаги энг нуфузли университетларда ўқиш учун танлов асосида иқтидорлилар саралаб олиш йўлга қўйилган.

Мамлакатнинг тенг ярми ов қилиш ман этилган миллий боғлар ҳудуди деб эълон қилинган. Атроф-муҳитга зарар етказмаслик учун автомобиль йўллари қурилиши чегараланган. Бутун қиролликда чекиш, деҳқончиликда кимёвий ўғитларни ишлатиш ман этилган. Ҳар бир хонадон гул етиштиришга мажбур бўлган. Электр ишлаб чиқариш учун фақат кичик гидростанциялар қурилишига рухсат берилган.

Натижада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Халқаро бахт кунини нишонлашга қарор қилганида Бутан Қироллиги ўз мамлакатини "дунёда энг бахтиёр инсонлар яшайдиган мамлакат" деб эълон қилган эди.

Бахт тушунчаси файласуфлар, социологлар, адиблар томонидан турлича талқин этилади. Қомусий таърифга кўра, бахт – маънавий-ахлоқий тушунча бўлиб, инсоннинг ўз фаолияти натижаларидан, ҳаётда қўлга киритган ютуқларидан тўла қониқиш, яшаш тарзидан мамнунлик, муайян мақсадга етганлик, орзу-умидларнинг ушалиши, беармонлик ҳолати сифатида намоён бўлади. Буюк мутафаккирлар Абу Наср Фаробий ва Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино ва Алишер Навоий бахтни ҳаётнинг асосий мақсади, инсон интиладиган масрурлик ва эришганларидан шоду хуррамлик ҳолати сифатида талқин этганлар, инсон ўз тақдирини халқ, Ватан тақдири билан уйғунлаштиргандагина тўла бахтиёр бўла олишини уқтирганлар.

Яъни, бевосита буюк Алишер Навоий таърифига кўра:

Одами эрсанг демагил одами,
Ониким йўқ халқ ғамидин ғами.

Ҳозирги пайтда жаҳондаги мамлакатларда инсоннинг бахтиёрлигини акс эттириш мақсадида "Халқаро бахт индекси" ҳам жорий этилган. Ушбу индексни ҳисоблаб чиқиш учун уч кўрсаткичдан – одамларнинг ҳаётдан мамнунлиги, кутилаётган умр давомийлиги ва атроф-муҳитга муносабатдан фойдаланилади.

"Халқаро бахт индекси" биринчи марта 2006 йилда жаҳондаги 178 мамлакат бўйича аниқланган эди. Ўшанда ушбу кўрсаткич бўйича Ванауту жаҳонда биринчи, Колумбия иккинчи ва Коста-Рика учинчи ўринни эгаллаган эдилар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳомийлигида мустақил ташкилотлар гуруҳи ва халқаро экспертлар иштирокида 2015 йилда 158 та давлатда "Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари" мавзусида ўтказилган тадқиқот – ҳар қайси давлатнинг ўз фуқароларини бахтли ҳаёт билан таъминлаш қобилиятини ифода этадиган индекс бўйича Ўзбекистон 44-ўринни эгаллади. Айтиш жоизки, юртимиз 2013 йилда бу рейтингда 60-ўринда эди.

Юртдошларимизнинг ўз мустақил Ватанларида бахтиёр ҳаёт кечираётганларини "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан 2015 йилда ўтказилган социологик тадқиқот ҳам яққол кўрсатди. Диёримизнинг барча ҳудуди – шаҳар ва қишлоқлар аҳолиси, аёллар ва эркаклар, кексалар ва ёшлар, турли миллат ва эътиқод вакиллари иштирок этган ушбу сўров натижаларига кўра ватандошларимизнинг мутлақ кўпчилиги – 99,4 фоизи Истиқлол йилларида қўлга киритилган ютуқлардан чексиз ғурурланишларини билдирдилар. Уларнинг 99,2 фоизи мамлакатимизни дунёда муносиб ўрнини топиб, одамлар учун миллати ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, фаровон ҳаёт шароити таъминланган давлат сифатида халқаро ҳамжамият томонидан тан олинган деб ҳисоблайди.

Ушбу тадқиқот натижалари фуқароларимиз республикада амалга оширилаётган кенг кўламли туб ислоҳотлар ўзларининг ҳаётини яхши томонга ўзгартираётганидан мамнунликларини изҳор қилганлар. Хусусан, сўровда қатнашган 92,7 фоиз оилаларнинг билдиришича, биргина 2015 йилнинг ўзида уй-жой ва маиший шароитлари сезиларли даражада яхшиланганлигини, 94,8 фоизи юқори даражада ижтимоий ҳимояга олинганлиги, 96,6 фоизи тиббий хизматлардан фойдаланиш самарадорлиги ўсганлиги, 92,3 фоизи атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида юқори натижаларга эришилганини билдирганлар.

Шу ўринда Ўзбекистонда мустақиллик йилларида харид қобилияти бўйича миллий ялпи ички маҳсулот ҳажми аҳоли жон бошига 4 марта ўсгани ва ҳозирги кунда бу кўрсаткич 6,5 минг АҚШ долларидан зиёдни ташкил этаётгани, аҳолимизнинг реал даромадлари жон бошига ҳисоблаганда қарийб 9 баробар ошганини, одамларимизнинг ўртача умр кўриш даражаси 67 ёшдан 73 ёшга, аёллар ўртасида эса 75 ёшга етганини ҳам алоҳида таъкидлаш керак.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти барча давлатлар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтларига 20 март – Халқаро бахт-саодат кунини инсониятнинг энг эзгу орзуси – ҳаётидан бахтиёр бўлиши учун ҳамма шарт-шароитларни яратиш учун курашиш руҳида нишонлашга даъват этади.

Эркин ЭРНАЗАРОВ

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ҲАМИША МУҲОФАЗАДА

Юртимизда 1 мартдан 1 апрелга қадар бирламчи тиббий-профилактика муассасаларида патронаж ойлиги ўтказилади. Айни кунларда пойтахтимиздаги барча поликлиникаларда мазкур ойликнинг уюшқоқлик билан ўтказилиши йўлида катта саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

— Ушбу тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад — тиббий профилактика тадбирларини янада такомиллаштириш, фертиль ёшидаги аёллар, ҳомиладорлар, ёлғиз кексалар, ногиронлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож беморлар ҳолидан хабар олиш ҳамда тиббий ёрдам кўрсатишни янада кенгайтиришдан иборатдир, — дейди Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали директори ўринбосари Азиз Низомов. — Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида тиббий патронаж ёрдами билан аҳолининг саломатлигини яхшилашга катта эътибор берилмоқда. Ойликни самарали ташкил этишда бирламчи тиббий-патронаж хизмат кўрсатиш сифати янада яхшиланмоқда. Ўқув муассасалари, корхона ва ташкилотларда кенг омма иштирокида касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш тадбирлари изчиллик билан олиб борилмоқда.

Яккасарой туманидаги 59-оилавий поликлиникада ҳам патронаж ойлиги юксак савияда ўтказилмоқда. Ойлик доирасида поликлиника шифокор ва ҳамширалари хонадонларга чиқиб, фуқароларнинг соғлиғи, турмуш тарзи, хонадоннинг озодалигига эътибор қаратмоқда.

— Патронаж ойлигида поликлиникага қарашли 21054 минг аҳолининг тиббий-ижтимоий ҳолатини ўрганиш, саломатлигини тиклаш, яхшилаш, турли касалликлардан ҳимоялаш ва диспансер назоратида турган беморларга ўз уйларида тиббий хизмат кўрсатиш бўйича самарали ишлар олиб борилмоқда, – дейди 59-оилавий поликлиника бош шифокори Раъно Носирова биз билан суҳбатда. — Хонадонларда соғлом турмуш тарзи мўътадил давом этса, аҳоли, айниқса ёшларимиз саломатлиги мустаҳкам бўлса, жамиятимиз равнақи бундан да тараққий этиб бораверади. Зеро, соғлик энг катта бойликдир.

Патронаж ойлиги доирасида аҳоли саломатлигини ҳимоялаш билан бирга, касалликни юзага келтириши мумкин бўлган омиллар, мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларнинг ечимини топиш ва бартараф этиш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғинларига ахборот киритиш ва тегишли чораларни белгилаш вазифалари ҳам амалга оширилмоқда.

Ушбу тумандаги 51-оилавий поликлиникада ҳам патронаж ойлиги малакали мутахассисларни қамраб олган ҳолда кенг кўламда ўтказилмоқда.

Поликлиника шифокорлари аҳоли соғлиғини мустаҳкамлаш, баркамол авлодни вояга етказишдек хайрли ишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Муассасадаги умумамалиёт шифокорлари ва патронаж ҳамшираслар шаҳар диспансерларидан таширф буюрган малакали мутахассислар ёрдамида фаоллик билан иш олиб бормоқдалар.

Ўттиз тўрт минг аҳолини қамраб олган ушбу ҳудудда шифокорлар оилаларга чиқиб, хонадон аҳлининг соғлиги, турмуш тарзи, уйининг тоза-озодалигига эътибор қаратмоқдалар. Тадбирлар жараёнида хонадонлар билан бир қаторда 10 та маҳалла, таълим ва бошқа тиббий-ижтимоий муассасаларнинг кенг қамраб олинишига ҳам аҳамият берилмоқда.

Тадбир доирасида оилаларда тиббий маданиятни ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, никоҳланувчи ёшлар ва ёш оилаларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш бўйича тушунтириш ишлари ҳам олиб борилмоқда.

Ушбу йирик тиббий ижтимоий тадбир мамлакатимиз аҳолисининг соғлиғи ҳамма нарсадан устун эканлигига яна бир бор эътибор қаратади.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

МАДАНИЯТ МАРКАЗЛАРИ ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 15-маданият ва аҳоли дам олиш марказида "Қалбимда сен, ардоғимда сен, Ватан!" деб номланган мусиқий дастур намойиш этилди.

Мамлакатимизда халқимизнинг мароқли ҳордиқ чиқариши, айниқса, ёшларнинг бўш вақтини тўғри ва мазмунли ташкил этиш, уларни миллий ҳаёт тарзимизга ёт бўлган турли ғоялар таъсиридан ишончли ҳимоялаш масаласига устувор аҳамият қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июндаги "2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижодий ташаббусларни ва аҳолининг ижтимоий-маданий фаоллигини қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг маданий дам олишини янада самарали ташкил этишда муҳим омил бўлмоқда.

Бугунга қадар мамлакатимизда 160 дан ортиқ шундай марказ тўлиқ таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Уларда профессионал ижодий гуруҳлар, театр ва санъат арбоблари иштирокида қизиқарли томошалар, учрашувлар ўтказилмоқда. Шу кунларда марказ қошидаги бадиий ижодиёт тўгаракларида Наврўз айёмига бағишланган мусиқий-маърифий дастурлар, кўргазмалар тайёрлаш қизғин бормоқда.

– Марказимизда хонандалик, хореография, тасвирий ва амалий санъат, нотиқлик санъати, хорижий тилларни ўрганиш, компьютер саводхонлиги каби кўплаб тўгараклар фаолият кўрсатмоқда, – дейди Чилонзор тумани маданият ва спорт ишлари бўлими мудири Эркин Худойқулов. – Ушбу тўгараклар ёшларнинг ижодий салоҳиятини янада юксалтириш, уларнинг таълимдан ташқари вақтини мазмунли ўтказиш имконини бермоқда.

Концертда Ватан, истиқлол, унинг бебаҳо неъматлари, тинч ва осойишта кунларимиз қадр-қимматини тараннум этувчи куй-қўшиқлар ижро этилди.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири



ЎЛКАМИЗДА НАВРЎЗ НАФАСИ

БАҲОР НАВОЛАРИ



Ислом Исмоилов олган сурат

Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрида "Баҳор нафаси" мавзуида Ёшлар симфоник оркестри томонидан концерт дастури бўлиб ўтди.

Унда юртимизнинг кўплаб санъат ихлосмандлари, маданият ходимлари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Концерт мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишлаб ўтказилди. Тадбирда хор жамоаси, "Ниҳол" ҳамда халқаро кўрик-танловлари ғолиблари, шунингдек, "Элдидо" гуруҳи иҳросида миллий ва жаҳон мусиқаси дурдоналаридан бир қанча асарлар ижро этилди. Шунингдек, барчага таниш бўлган машҳур кинофильмлар мусиқаларининг моҳирона ижроси томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Концерт дастурида жаҳон классик мусиқалари: Пётр Чайковскийнинг "Полонез", "Гуллар вальси", Жоаккино Россининиг "Дон Базилио арияси", Джузеппе Вердининг "Риголетто арияси", Людвиг Ван Бетховеннинг "Хурсандчилик қасидаси" каби дурдона асарлар юқори малака ва касбий маҳорат билан ижро этилди.

XX аср мусиқа санъатига мансуб бўлган Одиссея Вангелиснинг "Жаннатни забт этиш", Шарль Азнавурнинг "Абадий севги", Алессандро Софининг "Луна ту", Леонард Вернестнинг "Мамбо", Эрик Серианинг "Бешинчи элемент" кинофильмидан олинган "Ария"си, Александр Зацепиннинг "Иван Васильевич касбини ўзгартиради" кинофильмидан "Бахт билан суҳбат" ижод намуналари томошабинлар томонидан катта қизиқиш билан тингланди.

Ана шундай асарлар орасида ўзбек бастакорлари Таваккал Қодировнинг "Фасли навбаҳор", Шуҳрат Зокировнинг "Вальс" асарлари илк бора оркестр томонидан ижро этилиб, томошабинларнинг олқишларига сазовор бўлди. "Баҳор нафаси" концерти чин маънода томошабинларга баҳорий хуш кайфият бағишлади десак, муболаға бўлмайди.

Концерт дастурида ижро этилган жаҳон ва ўзбек мусиқа намуналари томошабиннинг кўнглидан жой эгаллаб, уларни шундай юксак санъат асарлари билан таништириб, уларнинг қалбида ижодкорлик, интилувчанлик ҳисларини уйғота олди. Бундан кўринадики, бундай концертлар ёшларимизни ватанпарварлик, инсонийлик руҳида камолга етишида маънавий озуқа бўлиб хизмат қилади.

Нилуфар ҚАРШИЕВА,
Ўзбекистон Давлат консерваторияси талабаси

Мутахассис маслаҳати

СОҒЛИҒИНГИЗ УЧУН ФОЙДАЛИ

Минг йиллик тарихи бор, асрлар оша сайқал топиб бизга етиб келган баҳор ва янгиланиш байрами — Наврўзи оламнинг диёримизга кириб келишига ҳам саноқли кунлар қолди.

Ҳақиқатдан баҳорнинг илк шабадаси қиш уйқусида ётган бутун борлиқни уйғотиб, Наврўз келиши билан она табиат беқиёс даражада гўзаллашиб, тоғ ва адирларда кўм-кўк майсазорлар, қийғос очилган лолалар, чучмўмаю бойчечаклар барчани мафтун этмай қўймайди. Наврўз кунлари катта-ю кичик она табиат билан янада яқин бўлишга ҳаракат қилади. Чунки биз ҳаммамиз она табиат фарзандларимиз.

Мана шу даврга келганда аҳоли ўртасида турли хил шамоллашлар, вирусли касалликлар, томоқнинг яллиғланиши – ангина каби касалликлар кўп қайд қилинади. Мана шундай ҳолларни халқимизда "илик узилди" ибораси билан тушунтиришга ҳаракат қиладилар. Бизнингча, бундай ҳолатнинг келиб чиқишига бир томондан баҳор фаслида кузатиладиган табиатдаги кескин ўзгаришлар сабаб бўлса, иккинчидан инсон истеъмол қиладиган сабзавотлар ва мевалар таркибидаги мавжуд витаминларнинг камайиб кетиши сабаб бўлади.

Бундай ҳолат баҳор фаслида нисбатан кўп кузатилар экан, демак унинг давосини ҳам баҳор фасли ўзи билан олиб келар экан. Баҳорги қувватсизликка қарши она табиатнинг Наврўз туҳфа қилиб етказган ёввойи ошқўқлардан: ялпиз, жағ-жағ, қийик ўти, отқулоқ, исмалоқ, семизўтлардан турли хил сомсалар, чучвара ва мантилар, хоним каби таомлар тайёрлаш мақсадга мувофиқдир. Бундай таомлар аҳоли ўртасида баҳорда кузатиладиган гиповитаминоз касаллигини йўқотишда катта самара беради. Чунки номлари юқорида келтирилган ошқўқлар таркибидаги саломатлик учун жуда зарур бўлган турли хил витаминлар, микроэлементлар, биологик фаол моддалар кўпдир. Улар айниқса, аскорбин кислотасига, B_1, B-PP, P, K витаминлари ва каротинларга бойдир. Ёввойи ҳолда кенг тарқалган фойдали ошқўқлар ўз таркибидаги витаминларнинг миқдори ва сифати жиҳатидан маданий ошқўқлардан қолишмайди. Кузатишлардан шу нарса ойдинлашадики, эрта баҳордаги паст ҳаракат, юқори намлик, нисбатан тоза ҳаво ёввойи ошқўқлар таркибида одам организми учун зарур витаминларнинг кўп йиғилишига сабаб бўлар экан. Кези келганда яна шу нарсани айтиш керакки, кўпчилик ошқўқлар таркибидаги аскорбин кислотасининг миқдори эрта тонгдан то тушга қадар ортиб бориб, сўнгра пасаяр экан.

Шу билан бирга организмнинг турли хил касалликларга курашиш қобилиятини оширувчи, кўзнинг кўриш қобилиятини яхшиловчи каротин моддаси аксинча куннинг иккинчи ярмида кўпроқ йиғилар экан. Бунда қуёш нурининг таъсири катта бўлади. Ошқўкларни қанчалик майда қилиб тўғраб, ёғ билан биргаликда пиширсангиз, улардаги каротин яхши ажралиб, кўпроқ фойда келтиришини унутманг. Шунинг учун кўк сомса, мантиларга думбанинг қўшилиши мақсадга мувофиқдир. Ошқўкларни иложи борича озода бўлган, автомобиль, поезд йўлларидан, саноат корхоналаридан узоқроқ жойлардан теришга алоҳида эътибор беринг, акс ҳолда улар ифлосланиши, фойда ўрнига зарар келтириши мумкин. Наврўзда маҳаллаларда онахонларимиз томонидан кўпчилик иштироки билан тайёрланадиган сумалакни қувват дорининг ўзгинаси десак муболаға бўлмаса керак, чунки ўстирилган буғдой донидан тайёрланган сумалак таркибида жуда ҳам фойдали Е витамини борлиги эътиборлидир. Шунинг учун ҳалим ва сумалак таомларининг баҳордаги қувватсизликнинг олдини олиш чораларидан бири эканлигини унутманг.

Мадина МУСАЕВА,
ТШСТСИ услубчи шифокори





ЎзА олган суратлар

Спорт янгиликлари

Юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси халқаро мусобақаларда иштирок этиб, ўз маҳоратларини чархлаб келишмоқда. Ўтган ҳафта Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида ташкил этилган ёш классик кураш усталари ўртасидаги турнирда ҳам вакилларимиз муваффақиятли иштирок этишди.

ЁШ КУРАШЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Ўз вазн тоифаларида Жасур Ортиқбоев (-50 кг.), Илҳом Баҳромов (-55 кг.), Жавохир Мираҳмедов (-60 кг.) ва Далер Раҳматов (-120 кг.) барча рақибларини мағлуб этиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилишган бўлса, Лочин Жўраев (-55 кг.), Абубакр Алимов (-74 кг.) ва Жалгас Бердимуратов (-84 кг.) ҳал қилувчи баҳсда имкониятни бой бериб қўйишди. Муҳаммадқодир Юсупов (-60 кг.), Салоҳиддин Холматов (-66 кг), Жаҳонгир Маъмуров ва Музаффар Комилжонов (-84 кг.) бронза медаллари билан тақдирландилар.

Ботир ХЎЖАЕВ

“БУНЁДКОР” МЕЗБОНЛИК ҚИЛАДИ

24 март куни футбол бўйича 2018 йилда ўтказиладиган жаҳон чемпионатига ҳамда 2019 йилда уюштириладиган Осиё Кубогига қўшма саралаш турнирининг “H” гуруҳида Ўзбекистон ҳамда Филиппин миллий терма жамоалари ўртасидаги навбатдаги тур беллашувлари бўлиб ўтади.

Шунингдек, жаҳон чемпионатига ҳамда Осиё Кубогига қўшма саралаш турнирининг “H” гуруҳидаги Ўзбекистон — Баҳрайн миллий терма жамоалари ўртасидаги сўнгги тур учрашуви ҳам 29 март куни Тошкентда бўлиб ўтишидан мухлисларнинг хабари бор албатта.

Хуллас Тошкентда уюштириладиган шу икки муҳим беллашувлар “Пахтакор” марказий стадионида эмас, аксинча “Бунёдкор” стадионида ўтказиладиган бўлди. Буни Осиё футбол конфедерацияси расман тасдиқлади.

Агар шу икки муҳим баҳсда миллий терма жамоамиз ғалаба қозонса жаҳон чемпионати йўлланмаси учун мусобақаларни давом эттиради.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Юртимизда Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази ҳамда Шахмат федерацияси билан ҳамкорликда “Камолот шахмат тахтаси” Республика турнири анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда.

Турнирнинг Юнусобод туман босқичи Юнусобод дизайн касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтди.

Мусобақанинг қуйи босқичлари “Камолот” ЁИҲ туман Кенгаши томонидан январь ойида ўтказилиб, унда тумандаги 38 та умумтаълим мактаби, 12 та ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг 2545 минг нафар ўқувчилари беш ёш тоифаси бўйича қатнашиб, шулардан 210 нафар ўқувчи туман босқичига йўлланмани қўлга киритган эди.

Туман босқичида умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус касб-ҳунар коллеж ва академик лицейнинг 6-8, 9-11, 12-14, 15-16, 17-19 ёш тоифасидаги ҳаваскор ўқувчи-ёшлари иштирок этди.

Спорт мусобақасини ўтказишдан кўзланган асосий мақсад мамлакатимизда шахмат спортини янада кенгроқ тарғиб қилиш, оммалаштириш, ҳаваскорлар ва ёш шахматчиларнинг спорт малакаларини ошириш, ўқувчиларни ўқишдан бўш вақтларини мазмунли ташкил этишдан иборатдир.

Турли ёш тоифаларида ғолибликни қўлга киритган ўқувчи-ёшлар турнирнинг Тошкент шаҳар босқичига йўлланмани қўлга киритдилар. Ғолиблик шоҳсупасини эгаллаган ҳамда фаол иштирок этган ўқувчи-ёшлар “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Юнусобод туман Кенгаши томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

* * *

Қадимий ақл-идрок ўйини саналган шахмат санъатини маънавиятимизнинг бир бўлаги сифатида эъзозлаш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг мантиқий тафаккур даражасини ўстириш, ёшларни спорт мусобақаларига оммавий равишда жалб қилиш ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида ўтказиб келинаётган “Камолот” шахмат тахтаси” IX анъанавий республика турнирининг Олмазор туман босқичи 298-умумтаълим мактабида ўтказилди.

Туман босқичида ҳар бир ёш тоифаси бўйича минтақавий босқич ҳамда ўрта-махсус таълим муассасаларида ғолиб бўлган ёшлар иштирок этишди.

— Ғолибликни қўлга киритганимдан беҳад хурсандман, — дейди М.Собирова. — Дарслардан бўш вақтимда дугоналарим билан шахмат ўйнаб тураман. Спорт бўйича катта ютуқларни қўлга киритаётган ака-опаларимни кўриб, ич-ичимдан ҳавас қиламан.

Қизғин беллашувлар тарзида кечган мусобақада ғолиб бўлган ёшлар Тошкент шаҳар босқичига йўлланмани қўлга киритдилар.

Зиёда РАСУЛОВА

Таълим

ЯНГИ ТИЗИМ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Пойтахтимизда жойлашган мультимедиа дастурларини ривожлантириш маркази мутахассислари томонидан мусиқа ва санъат, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ҳамда “Баркамол авлод” болалар марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш, мониторинг қилиб бориш мақсадида “Мактабдан ташқари таълим” янги ахборот тизими яратилди. Амалиётга жорий этилган мазкур тизим “E-maktab” ягона ахборот таълим макони базасига жойлаштирилди.

Айни вақтда дастурга маълумотларни киритиш жараёни амалга оширилмоқда.

“E-maktab” базасидан фойдаланиш жуда қулай. Буни компьютер техникасини ишлата биладиган ҳар бир киши эплаши мумкин. Тизимга маълумотларнинг тўғри, ўз вақтида киритилиши учун мусиқа ва санъат, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, “Баркамол авлод” болалар марказларининг директорлари масъулдир. Фойдаланувчилар қуйидаги имкониятларга эга бўлишади: маълумотни қисқа муддатда олиш, уни 50 дан ортиқ параметр бўйича қидириш, ахборот жойлашувини динамик равишда дастурларга экспорт қилиш, маълумотларни архивга ўтказиш ёки саватга ташлаш, статистикадан бохабар бўлиш.

— Маълумотлар базаси SQL — Server 2008 да сақланади. Фойдаланилаётган компьютер русуми Pentium-IIIдан қуйи бўлмаслиги керак. Пароль ва логинлар вазирлик томонидан ҳудудий бўлимларга тарқатилади. Ўз навбатида ҳудудий бўлимлардан туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига берилади. Жорий этилаётган ана шу имкониятдан фойдаланиш мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолиятини мониторинг қилиб боришда, эришилаётган натижаларга мувофиқ рейтингини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади, — дейди марказ директори Козимбек Ғафуров.

Ҳулкар КУЗМЕТОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

“Ko`chmas mulk savdo xizmati” МЧЖда 2016 йил 4 март куни ўтказилган очиқ аукцион савдоси натижасига кўра сотилган давлат активи

Учтепа туман ҳокимлиги тасарруфидаги, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 26-даҳа, Заргарлик кўчаси, 23-уй манзилида жойлашган, “Toshkent Sifat Sut” МЧЖга вақтинчалик фойдаланиш учун берилган мулкий мажмуаси (омборхоналар, ишлаб чиқариш цехлари ва бошқа мулклар) бошланғич баҳоси – 32 726 757 944 сўм, сотилиш баҳоси – 33 810 000 000 сўм.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси биржа савдоларига таклиф этади!

2016 йил 18 апрелда “Тошкент” РФБнинг биржа савдоларига чиқариладиган акциялар пакетлари рўйхати

№	Эмитент номи	Устав фондидаги улуш %	Савдога чиқарилаётган акциялар сони, дона	1 дона акциянинг номинал қиймати, сўм	1 дона акциянинг таклиф этилаётган бошланғич нархи, сўм	Акциялар пакетининг бошланғич нархи, сўм
1	“Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” АЖ	15	6 253 363	2535	3 653,95	22 849 475 733,85
2	“Ўзбекэкспертиза” АЖ	15	239 481	1622	5255,07	1 258 488 710
3	“Mulk-Sarmoya brokerlik uyi” АЖ	15	274 293	512	2477,41	679 536 221,13
4	“Elsis Savdo” АЖ	15	102 000	1000	1456,86	148 599 470

Қўшимча маълумотлар учун “MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI” АЖга мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефонлар: 236-71-71, 236-77-92. E-mail: info@ndvakt.uz, www.gkk.uz

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, А.Темур шоҳ кўчаси, 16а-уй. Телефонлар: 233-35-08, 233-22-83. E-mail: ugki@rambler.ru, www.gkktashkent.uz

Оммавий оферта савдоларига чиқарилган давлат кўчмас мулк объектлари рўйхати

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объект манзили	Балансда сақловчи	ПҚ/ВМҚ	Савдога чиқарилган нархи (сўмда)	Инвестиция мажбурияти (млн.сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	1 қаватли бинонинг ертўла қисми	154	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Зулфияхоним кўчаси, 1а-уй	Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги	2.03.2015 № 39	315 086 600	– энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; – қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; – янги иш ўринларини ташкил этиш; – харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш (кўпи билан 1 йил муддат ичида)	
2	Маъмурий бино-иншоот	579	Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, А.Қаҳҳор кўчаси, 47-уй	Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Сувсоз” ДУК	2.03.2015 № 39	1 623 288 200		
3	Фаолияти тугатилган собиқ мактабгача таълим муассасаси бино-иншоотлари	892	Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Шоҳжаҳон кўчаси	Тошкент шаҳар Яккасарой туман ҳокимлиги	2.03.2015 № 39	2 120 855 251	– энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; – қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; – янги иш ўринларини ташкил этиш; – харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш (кўпи билан 1 йил муддат ичида); **– “Объект” собиқ мактабгача таълим муассасаси ҳисобланганлиги сабабли, “Харидор”га ушбу “Объект”ни 5 (беш) йил давомида мактабгача таълим муассасаси сифатида фаолият кўрсатиши мажбурияти юклатилиши**	

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2016 йил 18 апрелда ўтказиладиган тўғридан тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган давлат объектларини сотиб олишга таклиф этади

Объектларни сотиб олиш шартлари қуйидагича:

— энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;

— ушбу “Объектлар” учун энг юқори қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;

— янги ишчи ўринлари ташкил этиш;

— харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларга (кўпи билан 1 йил муддат ичида) амалга ошириш.

Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:

— сотувчининг банк ҳисоб рақамига объектнинг бошланғич нархидан 15 % дан кам бўлмаган гаров суммаси;

— таклифлар ва керакли ҳужжатлар солинган ва муҳрланган конвертлар, икки нусхада.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шарти юклатилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш оферта савдосига 3 соат қолганда тўхтатилади.

Музокаралар 2016 йил 18 апрель куни соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-“А” уй манзилида ўтказилади. Ушбу куни савдолар бўлмаган тақдирда, 2016 йил 2, 16, 30 май, 13, 27 июнь, 11, 25 июль кунлари соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-“А” уй манзилида ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар: 233-35-08, 233-74-72.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 22.03.2011 йилда GERADOD МЧЖ (ИНН 207106924)га берилган 8323/7773-11-сонли лицензия битими йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

“ТОШКЕНТ ОҚШОМИ” ва “ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ”

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **17 март** куни ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғиши мумкин. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 5-7 даража илиқ, кундузи — 10-12 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **17 мартда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9227
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 355
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 13376 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 15.40
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ